

№ 559

26. Февраль 2024.

«EUROASIA INSURANCE»
акциядорлик жамияти Қўшма корхона
акциядорларига

«EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти
Қўшма корхона акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА

Хурматли акциядорлар!

«EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти Қўшма корхона Кузатув кенгашининг 2024 йил 26 февралдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 19 март куни Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 3А уй бўйича жойлашган Жамият маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри 2024 йил 13 март ҳолатига тузилади.

Кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
3. Жамият акциядорларининг 2023 йил 13 декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги 1-4 масалалар бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиш тўғрисида.
4. Жамият Тафтишчиси ваколатини муддатидан аввал тугатиш ва тафтишчи фаолиятини тугатиш тўғрисида.
5. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш тўғрисида.
6. Жамият Кузатув кенгаши сон таркибини белгилаш тўғрисида.
7. Жамият устави ва ички корпоратив низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларни янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.
8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.
9. Жамият фаолиятининг 2022-йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини қайта тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси 3А-уйда жойлашган Жамиятнинг биносига ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: info@eai.uz

Бош директор



Р.С. Мухамедов